# ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

кимга керак эмаслар, уларни янги истиқомат жойларида бирорта ҳам илиқ сўз билан қарши олмаяптилар, улар атрофида носоғлом вазиятни вужудга келтиряптилар. Бундай қайғули вазиятда қандай яшаш мумкин? Нима учун жойларда партия аъзолари томонидан дурустроқ тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти.

Делегат Чернобилнинг кўзга кўринмаган офати юз берган жойлардаги ижтимоий кескинлик портлаш ҳолатидадир, деди. Бу ҳукуматга таҳдид эмас, балки реал вазият, деди у. Одамларнинг туғёни тинмаяпти, чунки ҳукумат кечикиб қарорлар қабул қилмоқда. Барча муаммолар етарли даражада ҳал этилмаяпти.

Шундан кейин съезд секцияларининг иш якунлари тўғрисидаги ахборотлар тингланди. «Партияни янгилаш» мавзуидаги ўткир мунозара мазкур мавзу съездда муҳокама этилаётган сиёсий муаммолар доирасида марказий мавзу эканлигини кўрсатди, деди В. М. Ломоносов номли Москва давлат дорилфунуни партия комитетининг котиби **И. И. Мельников.** Нутқларда демократия ва ошкораликни ривожлантиришга, КПСС бирлигини сақлаб қолишга қаратилган йўл қўллаб-қувватланди.

Нотиқ партия оммаси ҳокимияти тўғрисидаги тезисни рўёбга чиқариш масаласи делегатларнинг энг кўп эътиборини жалб этганлигини маълум қилди. Кўпгина таклифлар раҳбар органлар сифатида съездлар, конференциялар, йиғилишларнинг аҳамиятини ошириш муаммоларига тааллуқли бўлди. Фақат ана шу органларгина мажбурий тусдаги қарорлар қабул қилишга ҳақлидир. Айни пайтда уларга доимий ишловчи органлар мақомини бериш таклиф этилди. Бошланғич партия ташкилоти ўз турмуши ва фаолияти шароитида мустақил бўлиб, у Программа ва Устав доирасида узил-кесил қарорлар қабул қилади. Партия оммаси ҳокимиятини рўёбга чиқаришнинг асосий жиҳати мана шундадир.

Турли даражаларда партия референдумлари ўтказиш тўғрисидаги низомни қисқа муддатларда ишлаб чиқиш хилма-хил нуқтаи-назарларни, жумладан, пайдо бўлаётган ҳаракат дастурлари асосида юзага келадиган нуқтаи-назарларни аниқлаш ва ҳисобга олиш учун шароит яратиш зарурлиги ҳақида фикр баён этилди. Нотиқлар КПССнинг умумпартиявий характери тўғрисидаги тезиснинг тўғрилигига шубҳа билдирдилар ва партия биринчи галда ишчилар синфи, деҳқонлар, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишни аниқравшан айтиши зарурлигини таъкидладилар.

Делегат мажлисда бир қанча конкрет масалалар ўртага қўйилганлигини маълум қилди. Чунончи, кўпгина таклифларда Бош котиб лавозимини сақлаб қолиш, унинг ўринбосари лавозимини жорий этиш, бундан буён ҳам Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Секретариатига эга бўлиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида гапирилди. Сиёсий бюрони, барча котибларни, Марказий тафтиш комиссияси раисини ва «Правда» газетаси муҳарририни ҳам съездда сайлаш таклиф этилди. Шу билан бирга марказий органларнинг Уставнинг дастлабки лойиҳасида баён этилган структураси ёқлаб чиқилди.

Советларнинг мавқеи ошган, уларга реал ҳокимият топширилган шароитда, деб таъкидланди секцияда, сайловчиларнинг манфаатларини изчил ҳимоя қилиб, коммунист-депутатларнинг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, партия йўлини амалга ошириш зарур.

КПССда янги ахлоқий муҳит юзага келмай туриб, янгиланган КПССни тасаввур қилиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикр зўр куч билан янгради. Партия — ўз ҳуқуқларидагина эмас, Ватанга хизмат қилиш умумий мажбуриятида ҳам тенглар иттифоқидир.

КПСС Марказий Комитетининг котиби, «Правда» газетасининг бош муҳаррири **И. Т. Фролов** партиянинг мафкуравий иши секциясидаги мунозарани якунлаб, унда жуда хилма-хил, баъзан бир-бирига зид фикр айтилганини таъкидлади. Турли ҳаракат дастурлари вакилларининг нуқтаи назарлари айтилди. Марказий Комитетнинг мафкуравий иши далиллар билан танқид қилинди. Қайта қуриш йилларида асосий иш содир бўлганлиги таъкидлаб ўтилди: одамларнинг онгида чинакам инқилоб рўй берди, янгиланиш мафкураси, қайта қуриш назариясининг концепцияси шакллана бошлади.

Кўп кишилар ижтимоий тараққиётнинг назарий муаммоларини ишлаб чиқишда орқада қолинди, деган фикрни айтдилар. Инсонпарвар, демократик социализм концепцияси, унинг коммунистик истиқбол билан алоқаси, янгиланиб бораётган жамиятда партиянинг ўрни ва роли, бозор иқтисодиётига ўтиш, федерациямизни қайта қуриш билан, ижтимоий муносабатларнинг бутун системасини амалий равишда инсонийлаштириш ҳақидаги талаб билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуи каби стратегик масалалар ишлаб чиқилмади.

Секцияда илм-фан ва таълим хусусидаги мунозара муҳим мавзу бўлди. КПСС Илм-фан тўғрисида қонун қабул этиш ташаббуси билан чиқиши, шунингдек, жумладан, ижтимоий фанлар соҳасида ўз қобилиятини кўрсатган зеҳнли ёшлар учун стипендияларнинг махсус жамғармасини вужудга келтириш лозим, деган таклиф эътиборга сазовордир. Кўпгина делегатлар муаллимнинг қийин аҳволи ҳақида гапирдилар. Улар съезднинг Дастурий баёнотига яқин даврдаги фаолиятда таълим, мактабнинг устунлиги тўғрисидаги тезисни киритишни таклиф қилдилар. Ижтимоий фанларнинг ролини ошириш тўғрисида, сиёсий таълимнинг бутун системасини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида қизғин мунозара бўлди.

Делегатлар Ленинни ва ленинизмни хуружлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳамда ғоявий меросга муносабатимиз тўғрисидаги масалани ўткир қилиб қўйдилар. Ленин сиймосини ақидапарастлик мафкураси юзага келтирган сийқа тасаввурлардан халос этиш зарур, деган фикр айтилди.

Қуролли Кучларни, давлат бошқарув идораларини сиёсатдан ва мафкурадан ҳоли қилиш мумкин эмаслиги ва нотабиийлиги таъкидланди.

Маданиятимизнинг оғир аҳволи алоҳида мавзудир. Маданият ва таълимга соф тижорат назари билан ёндашиш йўлига тўсиқ қўйиш зарур. Оммавий ахборот воситаларидаги салбий ҳодисалар қаттиқ танқид қилинди. Оммавий ахборот воситалари билан партия комитетлари ўртасидаги муносабатлар тубдан янгиланиши лозимлиги таъкидланди.

Секцияда КПСС Марказий Комитетининг мафкура масалаларига махсус бағишланган Пленумини чақириш, партияда кенг назарий мунозарани авж олдириш зарур, деган фикр айтилди. КПССнинг янги дастури устида ишни жадаллаштириш ва шу тариқа унинг лойиҳасини партиянинг навбатдаги съездига 1991 йилдаёқ қўйиш истаги билдирилди.

«Ижтимоий-иқтисодий сиёсат» секциясининг мажлисларида, деди унинг раиси **С. И. Гуренко,** съезднинг ўнлаб делегатлари сўзга чиқишди. Хилма-хил фикрлар айтилди, бу соҳадаги мунозара жамиятдаги чуқур ташвиш ва хавотирликни, одамларни қизиқтираётган муаммолар ўткирлиги ва долзарблигини акс эттирди.

Сўзга чиққан нотиқлар социалистик йўлга содиқликни тасдиқлаш билан бирга меҳнаткашларнинг, бутун халқнинг манфаатларига хизмат қилиш, инсонга муносиб турмуш шароитларини яратиш партиянинг мақсади бўлиб қолмоқда, деди Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби.

Секция қатнашчилари иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолатини мушкул деб таърифладилар. Инқироздан чиқиш йўлларини зўр бериб излаш ҳақида гапирилди. Бу йўллар маъмуриятчилик-буйруқбозлик социализмининг бирмунча «такомиллашган» моделига қайтишдан эмас, балки олға силжишдан иборатдир. Кўпчилик — бозор муносабатларига ўтиш тарафдори. Бироқ бозор шунчаки бир мақсад эмас, у иқтисодий вазифаларни ҳал этишга чиқимдорлик билан ёндашишни бартараф этиш воситаси сифатида, корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истеъмол қилувчи ўртасида самарали алоқаларни йўлга қўйиш шарти сифатида, интизомни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги обрў-эътиборини оширишнинг муҳим омили сифатида зарурдир.

Баъзи кучлар жамиятни бозор иқтисодиёти орқали капитализмга ўтказишга интилмоқдалар, деган хавотирлик айтилди. Бозор муносабатларига ўтиш хусусида ҳукумат ишлаб чиққан концепция шанига ўткир, бироқ амалий танқид айтилди. Бу концепция дудмаллиги, кенг омма учун тушунарли эмаслиги учун уни танқид қилдилар. Халқ ислоҳотнинг иттифоқчиси бўлиб қолиши, нарх-наво ва таклиф этилаётган янгиликларнинг истиқболи тўғрисидаги бутун ҳақиқатни билиши керак. Ҳукуматда ва қонун чиқарувчи органларда ишловчи коммунистларга жуда қисқа муддатда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришнинг аниқ ва содда дастурини ишлаб чиқишни топшириш, бу дастурнинг марказида инсоннинг манфаатлари туришига интилиш таклиф этилди.

Делегатлар съезд ҳужжатларига иқтисодиётни инқироздан чиқаришнинг оммавий ишсизликка, аҳолининг турмуш даражаси пасайишига олиб борадиган ҳар қандай чора-тадбирларни КПСС қўллаб-қувватламайди, деб ёзиб қўйишни таклиф қилдилар. Ислоҳотнинг босқичлари жамиятнинг шу ислоҳотни қабул этишга тайёрлик даражасини ҳисобга олиши керак. Иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада пухта ўйланмаган янгиликлар муаллифлари ва ташаббускорларининг шахсий масъулияти тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилди. Сиёсий барқарорлик, марказдан қочирма тенденцияларни бартараф этиш, ижтимоий ва миллий заминдаги кескинликни тугатиш қийинчиликларни йўқотиш шартларидир.

Бу хусусдаги муҳокамани ҳукумат аъзолари билан учрашувларда давом эттириш, чиқарилган хулосаларни эса съезд ҳужжатларида эътиборга олиш режалаштирилмоқда. Партиянинг обрўэътибори, унинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан белгиланади, деб таъкидлади нотиқ. Бинобарин, бу сиёсатнинг равшан, самарали, тушунарли бўлиши биз, съезд делегатларига боғлиқ.

«КПСС аграр сиёсати» секциясининг раиси — СССР Деҳқонлар уюшмасининг раиси **В. А. Стародубцев** шу секциянинг иши тўғрисида маълумот берди. Мажлисда, деди у, 850 делегат ҳамда марказий органларнинг юзга яқин таклиф қилинган раҳбарлари қатнашди. Йиғилганлар ҳузурида М. С. Горбачев, Н. И. Рижков, Е. К. Лигачев сўзга чиқдилар ва саволларга жавоб қайтардилар.

Мунозара чоғида 30 нафар делегат нутқ сўзлади. Улар озиқ-овқат пештахталари ҳамма ерда бир хил қашшоқ эканлигидан норози бўлаётганликларини залдагиларга айтиб беришди, бундай аҳволнинг сабабларини ишонарли тарзда, билимдонлик билан очиб ташлашди, заминимиз барча кишиларни тўкис-тугал тўйдириши мумкинлигини бир овоздан тасдиқладилар, бу ишни қандай бажариш мумкинлиги хусусида амалий таклифлар киритдилар. Кўпчилик қишлоқ партия комитетларининг маъмурий-буйруқбозлик иш усулларидан иложи борича тезроқ қутилиши ва сиёсий иш усулларига ўтиши зарурлигини қаттиқ ишонч билан айтди. Партия якка ҳокимлик вазифасидан воз кечган ва обрўли йўлбошчи бўлган тақдирдагина деҳқонлар орасида ўз таъсирини мустаҳкамлайди.

Нотиқлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги танг вазият сабабларига баҳо беришар экан, унинг азалий ва чуқур илдизларини кўрсатиб ўтдилар. Ишлаб чиқаришни ёппасига умумийлаштириш мулк эгасизлигига олиб келди, мулкни, асл моҳияти билан ҳеч кимникига айлантирди, деҳқон эса ҳамма нарса фарқсиз бўлган ёлланма ишчига айланди. Бошқарма тузилмалари ҳокимлиги шароитида жамоатчилик хўжаликлари, қоидага кўра, деҳқонлар меҳнати натижаларини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига олиб беришда беминнат омилга айланди.

Қишлоқлар ҳозир ҳам хонавайрон бўлмоқда. Технология, техника ҳамда қайта ишловчи саноатнинг ҳозирги даражасидан орқада қолаётган, илм-фан суст қўллаб-қувватланаётган ва ресурслар доимо етишмаётган, эскириб бораётган қишлоқ мамлакатни рисоладагидек боқиш имкониятига эга эмас.

Секцияда қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш тангликдан олиб чиқишни таъминлайдиган асосий йўл эканлиги якдиллик билан эътироф этилди. Бунинг учун бюджет маблағларини кўпроқ ажратиш билан бирга уй-жойлар, йўллар, қайта ишлаш иншоотлари қурилишига имтиёзлар ҳам бериш керакдир. Делегатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини билимдонлик билан бошқариш учун СССР Қишлоқ хўжалик министрлигини тиклаш ва унга иш ва турмушни биладиган омилкор мутахассисларни кўтариш лозим деб топдилар.

Секция раҳбари яқин вақт ичида колхоз ва совхозларнинг қарзлари кечиб юборилишини, нарх омилларини такомиллаштиришга, техника, ўғитлар, эхтиёт қисмлар, қурилиш материаллари билан таъминлашни яхшилашга доир тадбирлар рўёбга чиқарилишини маълум қилди. Ўрим-йиғим ишларига бир неча миллион тонна нефть маҳсулотларини қўшимча ажратиш тўғрисида тезлик билан қарор қабул қилинди.

Деҳқонларнинг вакиллари иш ташлашларга қарши ўз фикрларини айтдилар ва ишчиларни оқиллик билан иш юритишга, интизом ва тартибга риоя этишга чақирдилар, барча партиялар, платформалар ва оқимларни ўзаро яхшилик билан келишиб олишга ва муҳолифликка йўл қўймасликка даъват этдилар.

КПСС Марказий Комитети Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ишлаш бўлимининг мудири **В. А. Купцов** «Партия, Советлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар» секциясидаги мунозараларнинг асосий якунлари ҳақида ахборот берди. Турли оқимлар ва платформаларнинг вакилларига ўз фикрини айтиш имконияти берилди.

Коммунистларнинг халқ депутатлари Советларидаги иш усуллари, анъанавий, шунингдек янги оммавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари уларнинг диққат марказида бўлди. Секция кўпчилик қатнашчиларининг фикрига қараганда, унинг иши самарали бўлди, ҳам съезд делегатларининг, ҳам мамлакат партия ташкилотларининг нуқтаи назарлари хилма-хил эканлигини етарли даражада тўла кўрсатиб берди. Муҳокама қатнашчилари кўп қоидалар юзасидан, шу жумладан партия ташкилотларининг жамоатчилик ҳаракатлари ва партиялар билан, энг аввало социалистик йўлни эътироф қиладиган, инсон ҳуқуқлари, миллий уйғониш таъминланишини, жамиятнинг ижодий кучлари рўёбга чиқарилишини ёқлаётган жамоат ҳаракатлари ва партиялар билан ҳамкорлик зарурлиги тўғрисидаги кўпгина қоидалари юзасидан бир фикрга келдилар.

Бироқ, бир қанча ҳаракатлар фаолиятида ҳукмрон партияни асосли танқид қилиш билан бирга уни бадном этишга, шахсга сиғиниш давридаги жиноятлар учун масъулиятни бугунги коммунистлар зиммасига юклашга уриниш тамойиллари пайдо бўлаётганлигидан ташвиш билдирилди. Демократик ҳуқуқий давлат вужудга келаётган шароитда асоссиз айблашларга йўл қўйиб бўлмайди.

Коммунистларнинг турли даражалардаги Советларда иш олиб бориши ижтимоий мулоқотни ривожлантиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Коммунистлар ўзларининг бутун обрўлари, оммага таъсир кўрсатиш имкониятларидан Советларда жамиятни янгилашга кўмаклашадиган зарур қонунлар ва қарорлар қабул қилиниши учун курашда фойдаланишлари керак. Ўз таъсирини Советларга қарама-қарши қўйиш ғояси Коммунистик партияга бегонадир. Партия ва Советларнинг бўлишиб оладиган ҳеч нарсаси йўқ.

Секцияда яна бир долзарб масала — янги сиёсий партиялар билан ҳамжиҳатлик тўғрисидаги масала муҳокама қилинди, деб сўзида давом этди нотиқ. Кўп партиялилик юзага келди ва унинг ишлаши учун ҳуқуқий асослар керак. Мунозара қатнашчилари жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши — ҳақиқий сиёсий муносабатларни тартибга келтиришнинг муҳим воситаси, деб ҳисобламоқдалар.

Мунозара қатнашчилари чиқарган асосий хулосалар орасида қуйидагилар бор: партиянинг сиёсати ва тактикаси реалликни ҳисобга олиш негизида, фуқаролар муҳолифлигисиз ва ижтимоий портлашларсиз қурилиши лозим. Партия Советлар билан муносабатларда буйруқбозлик усулларидан воз кечади ва халқ ҳокимияти нуфузли идораларининг сиёсий системада устунлигини қарор топтиришга кўмаклашади, фақат Конституция ва қонунлар доирасида ишлайди. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида партиянинг бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларига тегишли туркум масалаларни кўриб чиқиш хусусида хоҳиш билдирилди.

Миллатлараро муносабатлар муаммолари ҳаммани ташвишга солмоқда, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, ҳарбий қисмлардаги муҳитга у ёки бу жиҳатдан таъсир қилмоқда, кўп оилаларга тааллуқли бўлмоқда, деди КПСС Марказий Комитетининг котиби **А. Н. Гиренко** «КПСС миллий сиёсати» секциясининг иш якунлари тўғрисида съездни хабардор қилар экан. Секция мажлисларида сўзга чиққан нотиқлар, деб таъкидлади у, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, Марказий Комитет котибларини, иттифоқ идораларини ўз қарорларини бажаришдаги ноизчиллик ва сусткашлик учун, сўз билан иш ўртасидаги фарқ учун қаттиқ танқид қилдилар.

Нотиқ бўлиб ўтган мунозараларнинг асосий жиҳатларига тўхталди. Партиянинг миллат ҳуқуқларига нисбатан инсон ҳуқуқларининг устунлиги тўғрисидаги дастурий баёноти лойиҳаси теварагида, деди у, ўткир мунозаралар дарҳол бошланиб кетди. Турли нуқтаи назарлар айтилди. Нотиқ уларни жамлар экан, муҳокама қилиш учун қуйидаги мавзуни таклиф этди: «КПСС ижтимоий турмушнинг миллий шакллари ўз қадр-қимматини эътироф этиб, миллатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилар экан, инсон ҳуқуқини биринчи ўринга қўяди».

КПСС Марказий Комитетининг котиби кўп делегатлар у ёки бу шаклда қуйидаги фикрни билдирганликларини маълум қилди: партия барча халқларимиз миллий манфаатларини амалда ифодаловчи бўлиши, ўтмишда миллий сиёсатда рўй берган камчиликларни бартараф этиши учун чора-тадбирлар кўриши, буни амалий ишлар билан мустаҳкамлаши лозим. Ижтимоий-иқтисодий ҳамда миллий, маданий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан аниқ-равшан иш қилиш керак. Шу маънода ўз ерларидан зўравонлик билан кўчирилган халқларга қарши қатағон ҳужжатларини ғайриқонуний ва жинояткорона ҳужжат сифатида эътироф қилиш тўғрисида партия ташаббуси билан қабул этилган Декларация, аслида, ушбу халқлар ҳуқуқларини тиклаш юзасидан аниқ тадбирлар билан мустаҳкамланмаганлиги сабабли бажарилмай қолиб кетганлигидан ташвиш билдирилди.

Нотиқ автономия, янги иттифоқ шартномаси муаммоларига алоҳида эътибор берди. У автоном тузилмалар ҳуқуқларига тўхталар экан, шу хусусда қабул қилинган қонун ҳужжатлари жамоатчиликни қониқтирмаганлигини таъкидлади, чунки миллий-давлат ва миллий-территориал тузилмаларнинг кўп босқичли системаси адолатсиз система сифатида қабул қилинмоқда. Вазият РСФСР халқ депутатларининг биринчи съездида мустақиллик тўғрисидаги Декларация қабул қилиниши муносабати билан айниқса кескинлашди. Чунончи, секция мажлисларида сўзга чиққан нотиқларнинг бири сентябрь ойидаёқ бир қанча автоном республикалар ўзларининг мустақиллик тўғрисидаги декларацияларини қабул қилишлари мумкинлигидан хабардор қилди.

Янги иттифоқ шартномаси тузилишига тайёргарлик кўриш, иттифоқ давлатини янгилаш билан боғлиқ бутун масалалар туркумига дахлдор ишларнинг аҳволи бугунги кунда айниқса ташвиш туғдирмоқда. СССР Президенти музокаралар жараёнига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига тезда олиши лозимлиги ва бу ишга ғайрат билан киришиши кераклиги хусусида фикр билдирилди.

«КПССнинг халқаро фаолияти» секциясида партия билан давлатнинг ташқи сиёсатига тааллуқли долзарб масалалар, мамлакатимиз ўтмишидаги асосий жиҳатлар, келажакни аниқлаш масалалари хусусида батафсил фикрлашиб олинди. КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлимининг мудири **В. М. Фалин** мунозараларнинг бориши тўғрисида ахборот берар экан, унда 32 киши қатнашганлигини маълум қилди.

Секцияда КПСС Марказий Комитетининг съездга қилган Ҳисоботида таърифлаб берилган, партиянинг амалий ишларини ифодалайдиган ғояларнинг кенг доираси таҳлил этилди. Янги сиёсий тафаккур концепциясига алоқадор турли масалалар ўртага қўйилди. Совет Иттифоқининг халқаро ишларга, мамлакат ташқи сиёсатининг ақидалардан холи бўлишига, янги ёндашувларнинг муҳимлиги, Совет давлатининг аниқ имкониятларини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланди.

Мунозараларнинг асосий йўналиши, деб сўзида давом этди нотиқ, ҳозирги босқичда ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро алоқалари ҳамда бир-бирига дахлдорлиги, хавфсизлик муаммолари, Шарқий Европадаги аҳвол ва Германия масаласида уйғунлашди. Партиянинг ташқи сиёсат соҳасидаги асосий йўлига шубҳа билдирмаган нотиқлар ташқи сиёсий йўлни рўёбга чиқариш тактикаси хусусида кўпгина танқидий мулоҳазаларини айтдилар.

Секция ишида партиялараро анъанавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек кўп партияли система шароитида иш тажрибаси учун муҳим аҳамият касб этадиган социалистик партиялар билан алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашиш сезиларли ўрин эгаллади.

КПССнинг Дастурий баёнотида Шарқий Европадаги воқеаларга баҳо берилиши, партиямиз собиқ раҳбарларининг Афғонистонга қўшин киритилиши тўғрисида қарор қабул қилганлиги учун махсус резолюция қабул этиш ёки съезднинг бошқа ҳужжатларига ана шу хусусда сиёсий баҳо берилганлигини киритиш таклиф этилди. Маҳаллий органлар, корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш самарадорлигини оширишга доир туркум тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди. Марказий Комитет аппаратини, жумладан Халқаро бўлим ишларини қайта қуришни давом эттириш, партиявий ва илмий фаолларни ташқи сиёсий тадбирларни тайёрлашга ва уларни амалга оширишга кенг жалб этиш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Съезд кун тартибининг дастлабки тўрт моддаси юзасидан музокараларни тўхтатиш ҳақидаги таклифни кўпчилик овоз билан қабул қилди. Раислик қилувчи шуни эслатиб ўтдики, съездни ўтказиш тартибига биноан сўзга чиқиш учун ёзилган, лекин сўз ололмаган делегатлар ўз нутқлари текстини стенография ҳисоботига киритиш учун топширишлари мумкин.

Съезд қарорига биноан ҳисобот билан чиққан Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка номзодларга, Марказий Комитет секретарларига делегатларнинг саволларига жавоб қайтариш имконияти берилади.

Саволларга биринчи бўлиб **Н. И. Рижков** жавоб қайтарди. У делегатлардан салкам 60 та савол олганлигини айтди. Уларнинг кўпларига ёзма жавоблар юборилди. Хатларнинг каттагина қисми ишлаб чиқариш, таъминот, молиянинг турли соҳаларидаги аниқ вазиятларга тааллуқлидир. Уларга жавоблар тегишли муассасаларга, корхоналарга юборилади.

Саволларнинг аксарияти у ёки бу даражада иқтисодий ислоҳот муаммоларига, хусусан бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқдир. Шубҳа йўқки, деди нотиқ, биз танқидий мулоҳазаларни ҳам, таклифларни ҳам ўрганамиз, сентябрь ойида бозорга ўтиш дастурини Олий Совет сессияси муҳокамасига тақдим этиш олдидан уларни тарозига солиб кўрамиз.

Делегатлардан бири Министрлар Совети Раисидан Е. К. Лигачевнинг аграр саноат комплексидаги вазиятни муҳокама қилиш ҳақидаги учта таклифига Сиёсий бюро эътибор бермаганлиги тўғри ёки нотўғри эканлигини тасдиқлашни сўради. Масала уч марта эмас, балки кўпроқ марта қўйилган, деди ҳукумат бошлиғи. Мазкур ҳолда агросаноат комплексига капитал маблағларни кўпайтириш муаммоси ҳақида гап борган эди. Бу масала хусусида ягона фикр йўқ эди. Менинг назаримда, масалан, қишлоққа устунлик бериш керак, лекин ҳамма нарса келгуси беш йилликда халқ хўжалигидаги кўламларимиз ва нисбатларимизнинг барчаси қандай шаклланишига боғлиқ бўлади. Шунигина айта оламанки, дастлаб, масалан, қишлоқнинг ижтимоий соҳасини ривожлантиришга 80 миллиард сўм сарфлаш режалаштирилган эди. Биз эса 120 миллиард сўм ажрата оладиганга ўхшаб турибмиз. Такрор айтаманки, ҳамма нарса планнинг узил-кесил макетига боғлиқ бўлади. Бу масалада Сиёсий бюро аъзолари орасида принципиал келишмовчиликлар йўқ, деди Н. И. Рижков.

СССР Министрлар Совети Раисидан зиммасига пахта бўйича жуда оғир давлат буюртмаси юклатилган республикаларда озиқ-овқат ва моддий-техника таъминоти соҳасидаги оғир аҳвол қачон бартараф этилади, деб сўрашди. У айтдики, бу соҳадаги янги қоида вариантларидан бирида давлат буюртмасини экспортга етказиб бериладиган пахта ҳажми билан чеклаш кўзда тутилган. Лекин, деди у, бунда енгил саноатимизнинг иши тўхтаб қолмаса бас...

Ҳосилни йиғиб-териб олишда аграр секторни моддий ресурслар билан тўла-тўкис таъминлаш учун ҳукумат қандай чоралар кўраётир, деган саволга аниқ жавоб қайтарилди: ҳукумат экспортга мўлжалланган етти миллион тонна нефтни ўзимизда қолдирадиган бўлди, бу эса ҳосилни йиғиб-териб олиш, ташиш ва қайта ишлашда қишлоқ хўжалик машиналарини тўла таъминлаши керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари **В. А. Медведев** съезд делегатлари билан мулоқотни бошлар экан, менинг аҳволим анча оғир, чунки 750 савол тушди, деди. У, аввало, мафкуравий ишга ва унга раҳбарлик савиясига баҳо берилган хатларни шарҳлади.

Нотиқ мафкура барбод бўлди, чуқур сиёсий инқирозга учради, деб айтилган айбномаларга қўшилмаслигини таъкидлади. Бир киши қисқа муддат ичида барбод қила оладиган мафкура қандай мафкура бўлди, деди у. Агар у эски мафкура, сталинизм мафкураси бўлса, рўй бераётган жараённи балки табриклаш керакдир.

Илгариги пайтларда мафкурада иккиюзламалик ва сохталик, ақидапарастлик ва фикр торлиги, сўз билан иш ўртасидаги жуда катта тафовут, ошкораликни безбетларча чеклаш ҳукмронлик қиларди, мафкура эса худди равнақ топаётгандек туюларди. Биз ана шу иллатларнинг ҳаммасидан ҳоли бўлиб, янгиланиш йўлига қадам қўйган ҳозирги пайтда айрим кишилар мафкура барбод бўлди, деб ҳисобламоқдалар. Бунда баҳолар аралаштириб юборилмаётибдими? — деб ўз навбатида савол билан мурожаат қилди КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Айни вақтда у бу соҳадаги вазиятни бўяб кўрсатишни истамайман — бу вазият эса иллатли, оғир, инқирозли ҳолатда қолаётир, деди. Занглардан тозалаш жараёни организмимизнинг соғлом жойларига ҳам тегиб кетмоқда. Танқидбозлик тўлқини пайдо бўлди. Социалистик мафкура асосларини улоқтириб ташлашга интилиш вужудга келди. Мафкура марказларининг нўноқлигини ҳам оқлаб бўлмайди, деб таъкидлади нотиқ. Лекин бир нарса равшан: агар қайта қуриш мафкура барбод бўлишини билдираётган экан, бу жараённи тўхтатиш ва орқага қайтиш керак. Агар бу нуқтаи назарларимизни қайта кўриб чиқишдан иборат оғир жараён бўлса, бу жараёнга ёрдам бериш, орқага эмас, балки олға қараш керак.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг секретари мафкура соҳасидаги назарий ишларга оид хатларга тўхталди. Кўпларни қайта қуриш мафкураси ва концепцияси борми, деган савол қизиқтираётир. Нотиқнинг фикрича, аввал қайта қуриш ишларининг лойиҳаси қуриладй, сўнгра эса уни амалга ошириш бошланади, деб тасаввур қилиш гўллик бўлур эди. Унинг фикрича, қайта қуриш мафкураси ва назарияси, инсонпарвар, демократик социализм тўғрисидаги, жамиятнинг истиқболи тўғрисидаги тасаввур амалий ишларнинг жўшқин жараёнидагина ишлаб чиқилиши мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг секретари оммавий ахборот воситалари хусусида юздан ортиқ савол тушганини айтди. У матбуот билан муносабатлар музокара асосига эмас, балки кескин қарама-қаршилик асосига қуриладиган бўлса, айни вақтда партия матбуоти шанига айтилаётган айблар қабул қилинмаса, ҳеч ким ва ҳеч қачон ютиб чиқмайди. Матбуотнинг иш шароитлари, унга раҳбарлик усуллари бугун бошқачадир. Қонунга, журналистларнинг партиявий ва фуқаролик виждонига таяниш керак.

Халқаро муносабатлар, Марказий Комитет секретарининг Болтиқбўйидаги воқеаларга шахсий муносабати мавзулари ҳам кўтарилди. Маданият соҳасидаги аҳвол ҳақидаги, шармандали ишлар авж олганлиги ҳақидаги саволларга ҳам минбардан жавоб қайтарилди. Жумладан, нотиқ жамиятни ҳимоя қилишнинг ижтимоий-давлат механизмини яратиш истагини билдирди, партиянинг мафкуравий ишларини яхшилаш ҳақида бир қатор мулоҳазаларни айтди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби **А. Н. Яковлев**га 250 дан ортиқ ёзма саволга жавоб қайтаришни таклиф этишди. У ана шу саволларнинг энг жиддийларини танлаб олиб, ўзига хос гуруҳларга ажратди. Биринчи гуруҳдаги саволлар Болтиқбўйидаги аҳволга ва бу регионидаги воқеаларга муносабат соҳасида унинг шахсий сиёсий позициясига тааллуқли эди. Кўпгина делегатлар КПСС Олий раҳбариятининг аъзоси Литва ва Латвияда бўлган пайтларида айтган фикрларини далил қилиб келтиришган эди.

Мен ўз гапларимни цитата қилиб келтиришдан бошқа иложим йўқ. Мен регионда бўлган пайтимда иттифоқдош республикалар мустақиллигини кенгайтириш, идоралар буйруқбозлигини тугатиш зарурлиги ҳақида гапирган эдим. Ўша пайтда вазият ҳозиргидан сифат жиҳатидан бошқача бўлганлигини ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги вазиятда мазкур мураккаб муаммони ҳал этиш учун босиқлик, масъулият, сиёсий мулоқот, янги Иттифоқ шартномаси ва бозор муносабатларига ўтиш зарур. Хусусан ёдгорликларни бузиб ташлашда ифодаланаётган ҳар қандай ваҳшийликларга фақат кескин салбий баҳо берилиши мумкин.

Аммо бироз вақт ўтганидан кейин делегатлардан бири Болтиқбўйидаги нутқдан мана бу цитатани келтирди: «Мамлакатда қайта қуриш сизнинг республикангиздагидек ўтганида эди, биз анча олға қараб бориб қолган бўлур эдик...» микрофон ёнига келган делегат сўзини давом эттириб, шу муносабат билан мен Александр Николаевичга қуйидаги саволни бермоқчиман: унинг Болтиқбўйига сафаридан кейин нима учун у ерда хатар яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантирган коммунистлардан қасос олина бошланди, деди.

Шарқий Европадаги аҳволга тааллуқли кўпгина саволлар берилди. Уларга жавобларда Сиёсий докладда ва Э. А. Шеварднадзе нутқида вазиятга берилган баҳо тўла-тўкис қўллаб-қувватланди. Шарқий Европада социализмни дафн қилишга қўшилмаслик керак, деди сўнгра Марказий Комитет котиби. Аммо ҳеч қандай обрўли қарорлар билан ҳаётни ўзгартириб бўлмайди. Сўнгра ана шу мамлакатларнинг айрим жойларида ўзгача фикр юритувчиларни ёмонотлиқ қилиш ҳаракатига, ўзининг сиёсий моҳияти жиҳатидан АҚШдаги маккартизмни эслатадиган ҳаракатга қарши чиқиб, нотиқ оқибат натижада ақл-заковат устун келади, деган умид билдирди. Европада СССР ва АҚШ қуролли кучларини сақлаш даражасининг пасайганлиги ҳам ижобий омил, деб топилди.

КПССнинг қардош партиялар билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги саволлар гуруҳини таҳлил қилиб, нотиқ бир қатор делегатларнинг гўё халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати барбод бўлганлиги ҳақидаги даъволарини қатъият билан рад этди. У Хитой Компартияси билан, Ғарб мамлакатларидаги бир қатор партиялар билан муносабатлар нормал йўлга қўйилганлигини ижобий мисоллар тариқасида тилга олди.

ЎИЕК ва Варшава Шартномаси ташкилотининг бундан буёнги фаолияти муаммоларига катта эътибор берилди. Бу саволларга жавобларда Марказий Комитет котибининг ана шу халқаро ташкилотлар истиқболига қарашлари батафсил асослаб берилди.

Германияни бирлаштириш билан боғлиқ саволлар гуруҳига келганда у мазкур муаммони тарихда биринчи бўлиб айни Совет Иттифоқи қўйганлигини эслатиб ўтди. Лекин ҳозир бу муаммони ҳаётнинг ўзи олға сурди, бинобарин, бирлашган Германия ҳудудидан бундан буён ҳеч қачон бизнинг мамлакатимиз учун ҳам, бошқа бирор давлат учун ҳам уруш хавфи туғилмаслиги йўлида ҳамма чораларни кўриш керак.

Раислик қилувчи бир қатор делегатлар партиядаги имтиёзлар ҳақидаги масала юзасидан съезд комиссиясини тузишни таклиф қилаётганликларини айтди. Съезд қатнашчилари кўпчилик овоз билан бу таклифни қабул қилишди.

Кечки мажлисда **М. С. Горбачев** раислик қилди.

Биринчи сўз **Е. К. Лигачев**га берилди. У ёзма саволларнинг катта гуруҳи, табиийки, аграр сиёсатга ва уни амалга оширишга тааллуқли эканлигини айтди. Давлат статистика комитети маълумотларига кўра, кейинги беш йил ичида қишлоқ хўжалигига ҳар йили ўрта ҳисобда 51 миллиард сўм сарфлаб келинганлигини айтиб, нотиқ бу пул икки баравар кўп бўлганида мамлакатимизда озиқ-овқат масаласи бирмунча бошқачароқ бўлур эди, деб таъкидлади. Энг муҳими, деди Марказий Комитет котиби, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги баҳолар тенглигидир. Мен қишлоққа бўлар-бўлмасга маблағ юбораверишт тарафдори эмасман. Мен деҳқон ҳақиқатан ҳам ернинг хўжайини ва ўз меҳнати самараларининг хўжайини бўлишининг, у хўжалик юритиш шаклини — колхоз, совхозни ёки мустақил деҳқон хўжалиги тузишни ихтиёрий равишда танлаб олиши тарафдориман. Биз масалага комплекс ёндашиб, хўжалик юритиш ва мулкчилик шаклларини такомиллаштиришимиз, қишлоқнинг моддий-техника базасини ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз керак.

Қайта қуриш даврида колхоз ва совхозларни сиз қандай тасаввур қиласиз, деган саволга нотиқ бундай деб жавоб берди: мен уларни иқтисодий ва хўжалик эркинлигига эга бўлган меҳнат коллективларининг кооперативлари сифатида тасаввур қиламан. Бу жараён давом этмоқда. Колхозлар, совхозлар ва деҳқонларнинг оила хўжаликлари ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш масаласи кун тартибида турибди. Қишлоқдан ёшларнинг кетиб қолишини тўхтатиш учун эса ижтимоий шароитларни яхшилаш, ёшларни қизиқарли ишлар билан таъминлаш зарур.

Ичкиликбозликка қарши курашга тааллуқли бир қанча саволлар берилди. Хусусан яксон қилинган токзорлар ҳақида, ташлаб қўйилган корхоналар ҳақида саволлар тушди. Нотиқ бу саволларга жавоб қайтарар экан, 1985—1989 йилларда Фармон қабул қилинишидан илгариги тўрт йилдагига қараганда камроқ миқдордаги токзорларни янгилаш мақсадида токлар қирқиб ташланганлигини хабар қилди. Ҳа, баъзи жойларда винобоп навлар ўрнига дастурхонбоп навлар экилди. Лекин бунинг учун одамларга таъна қилишнинг ҳожати борми, биз узум истеъмолини икки баравардан зиёдроқ кўпайтирдик-ку, ахир. Фактлар ана шундай. Қолган гаплар эса уйдирмалар ва жаҳл устида айтилган гаплардир.

Залдан берилган бошқа саволларга жавобларида Марказий Комитет котиби бундай деди: мен партиянинг конфедерация принциплари асосида қурилишига қаршиман, мен партиянинг ягона бўлиши, унинг таркибида иттифоқдош республикалар Компартияларининг бўлиши тарафдориман. Акс ҳолда КПСС сиёсий майдондан четга чиқиб қолади ва совет

(Давоми учинчи бетда).

# ҲАҚИҚАТНИНГ ТАГИГА ЕТАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

нинг нутқларида баён этилган барча қимматли фикрлар қандай қилиб бўлмасин умумлаштирилиши ва амалий ишда ҳисобга олиниши зарур деган истакни билдирдилар.

Ҳар бир делегат партияда рўй бераётган воқеаларга ўзига хос муносабат билдирмоқда. Шунинг учун вазият таҳлили ҳам турлича бўлди.

— Ҳокимият бошланғич ташкилотлар қўлига ўтказилиши керак, — деди йиғилиш аҳлига мурожаат қилиб Донецкдаги Е. Т. Абакумов номли шахта партия комитетининг котиби С. А. Камишев. — Аммо бунда сиёсий мухолифларимиз ўз тактикасини ўзгартирганлигини ва ўз партияларини тузиш йўлида жон куйдириб уриниб, КПССнинг бошланғич ташкилотларини барбод этишга барча кучларни сафарбар этганликларини ҳисобга олиш лозим. Улар пойдевор вайрон этилса — бутун бино қулашини жуда яхши англайдилар.

У залда ўтирганлар кўпчилигининг фикрини изҳор қилиб, Михаил Сергеевичга Бош котиб сифатида «Сўллашиш»ни, Президент сифатида эса — «ўнглашиш»ни маслаҳат берди.

Мурманск областидан келган В. С. Зайцев КПСС сафидан чиқиш давом этаётганлигини ачиниб гапирди ва бу жараённи партияни демократиялаш етарли суръатларда олиб борилмаётганлиги билан боғлади. Одессалик А. С. Горостоватов партияда коллегиалчилик йўқолаётганлигини айтиб ўтишни зарур деб топди: вазиятдан чиқиш йўли — раҳбар органларни ҳақиқий раҳбар шахслар билан мустаҳкамлашдадир. Читалик А. О. Баринов КПССда иккинчи шахс лавозимини кимга ишониб топшириш мумкинлиги тўғрисида ҳозирдаёқ пухта ўйлаб кўришни таклиф этди.

Бош котиб билан олиб борилган суҳбатнинг рўй-рост ва ошкоралиги баъзи фикрлар ва ифодалар кескинлиги атайлаб қилинган деган фикрга олиб келмади. Ҳақиқатан ҳам долзарб муаммоларни бошқаларга баён этишга, энг муҳими эса, нотиқлик қобилиятини намойиш этишни суиистеъмол қилмай, залдагиларнинг эътиборини партия ва жамиятнинг ўткир муаммоларига қаратишга бўлган астойдил истак намоён бўлди.

Делегатларда турмушнинг ғоят турли жиҳатларига оид кўпгина масалалар тўпланиб қолган эди. Шунинг учун М. С. Горбачевнинг уларнинг саволларига қайтарган жавоблари тарихга ўзига хос назар ташлаш, ҳозир жамиятда вужудга келган танг аҳволни, ундан чиқиш йўлларини умумлаштиришнинг баёни бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби партияни демократиялаш ғояси тўғрисида гапириб, съезд делегатларининг фикрича, бу аслида асосий ғоядир, ҳокимиятни партия оммасига топшириш орқали бу ғояни рўёбга чиқаришга муваффақ бўлинишини таъкидлади. Бу — асосий йўналишдир. Афтидан, Уставда бошланғич партия ташкилоти ҳамма нарсани қилиши мумкинлигини таъкидламаса ҳам бўлади.

Коммунистлар мустақил ҳал эта олмайдиган масалалар йўқдир. Демократиялаш КПССга қабул қилиш ёки унинг сафидан чиқаришдан иборатдир, деган гаплар эса умуман асоссиздир.

Мамлакат коммунистларининг вакиллари залда ўрнатилган микрофонлар орқали берган кўпгина ёзма сўровлар ва саволлар кўпроқ баралла фикрлаш тўғрисидаги таклифга ўхшаб кетди. Уларнинг мавзуи ҳокимиятни партия оммасига топшириш ва олий партия органларининг Назорат ваколатларини амалга ошириш усулларидан тортиб, XXVIII съезд ишининг конкрет масалалари ва лавозимларни биргаликда ижро этишга муносабатгача кенг ва хилма-хил бўлишига қарамай, Михаил Сергеевич коммунистларнинг астойдил ўртоқларча гаплашиб олиш истагини эътиборда тутиб, одатдагидек батафсил, атрофлича жавоб қайтарди. Буни учрашув қатнашчилари тушундилар: съездда баён этилган хилма-хил мулоҳазаларда ҳақиқатнинг тагига етишнинг ўзи бўлмайди, деган фикрга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Айни пайтда, нотиқлардан бири айтганидек, съезднинг мажлисларида ҳозирча партия муаммоларини амалий руҳда ишчанлик билан муҳокама қилишга эришилгани йўқ. Нутқлар кўп бўлмоқда, уларнинг ҳаммаси долзарб муаммолар тўғрисидадир. Бироқ астойдил, ошкора мулоқот вақти етмади.

Саволларга қайтарилган жавоблар партия анжумани сингари кўп минг кишилик жойларда, эхтимол, муқаррар пайдо бўлиши мумкин бўлган етишмовчиликнинг ўрнини тўлдиргандек бўлди.

Партиянинг кадрлар сиёсати муаммолари алоҳида ва табиий қизиқиш уйғотди. М. С. Горбачев партияда ёрқин шахслар камлигини нима билан изоҳлаш мумкин, деган саволга жавоб қайтариб, шундай деди. Яқин вақт ичида улар етарли даражада бўлади, деб ўйлайман. Залдагиларнинг бу сўзларни маъқуллаб, муносабат билдирганлигини бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ана шу саволга кутган жавоблари ва уларнинг партиянинг интеллектуал имкониятига кўп вақт ажратган суҳбатдошининг нуқтаи назарлари ўзаро мос келганлиги деб тушуниш мумкин.

Биз Марказий Комитет таркибига сизлар даражангиздаги ходимлардан кўпроқ киритишга, албатта, ҳаракат қиламиз, деди Бош котиб. Мана шу ошкора фикрлашувда унинг учун ҳам кўпгина қизиқарли, сабоқ бўларли жиҳатлар бўлганга ўхшайди, Ҳар ҳолда учрашув қатнашчилари партиянинг раҳбарлари ролига кўрсатиш учун тилга олган бир қанча ўртоқларнинг номларига нисбатан, афтидан, тегишли муносабат билдирилади.

Шу жиҳатдан олганда М. С. Горбачев билан Б. Н. Ельцин ўртасида бирдамлик бўлиши мумкинми ва қандай шароитда бўлади, деган мазмунда тушган савол характерлидир. Михаил Сергеевич Борис Николаевичнинг съезддаги нутқи уни ўйлантириб қўйганлигини айтди. Борис Николаевичнинг нутқида бир қанча мақбул бўлмаган жиҳатлар — партияни мафкурадан четлаштириш, унинг мулкини топшириш ва шу сингари жиҳатлар айтилди. Шунга қарамай, деди Михаил Сергеевич, Б. Н. Ельцин билан келишиш йўлларини топамиз. Мен учун партиянинг, мамлакатнинг тақдири, қайта қуришнинг тақдири биринчи ўринда туради. Халқ ўз орзу-умидларини қайта қуриш билан боғламоқда. Мен учун бу ҳар қандай шахсий келишмовчиликлардан устун туради.

Имтиёзларга келганда, бу ўткир ва илгаридан мавжуд мавзудир. Мана партия съездида имтиёзлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этишга қарор қилинди. Мазкур муаммо учрашув қатнашчиларини ҳам четлаб ўтмади. Михаил Сергеевич, хусусан, юқори лавозимли партия ходимлари илгари эгаллаб турган дала ҳовлилар ҳозир ветеранларга, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш объектлари учун топширилганлиги ёки топширилаётганлигини айтди. Қатъий мансаб окладлари белгиланди, «шахсий» самолётларда учиш бекор қилинди, бошқа бир қанча чеклашлар жорий этилди.

Учрашув охирида қандайдир қарор қабул қилинмади. Бироқ унинг қатнашчилари — ўйлаймизки, ҳар иккала томон ҳам, янги ғоялар ва фикрлар билан бойиб тарқалдилар. Бош котибнинг жойларда партия турмушини жонлантиришга, ҳар бир коммунист, ишчи, деҳқон, зиёли бошланғич партия ташкилоти ўзининг ташкилоти эканлигини, бу ерда ишлаш унинг учун мароқли эканлигини ҳис этиши учун барча ишларни қилишга даъват этувчи мурожаати учрашув қатнашчиларига тушунарли эди. Шундай қилинганида, у шу ташкилотдан ҳеч қаёққа кетмайди — партиядан чиқиш ҳоллари тўғрисидаги масала эса учрашувда энг асосий ва энг ташвишли масала бўлди. Айни улар — съезд делегатлари партияни янгилашга, уни ислоҳ қилишга қудратли омил бағишлашлари даркор.

**В. ПЕТРЕНКО,**
**В. САКЛАКОВ,**
**ТАСС мухбирлари.**

# ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

федерацияси барбод бўлади. Мен социалистик қайта қуриш тарафдориман. Жамиятнинг социализм йўлида янгиланиши тарафдориман, Ленин тасаввуридаги чинакам илмий социализм тарафдориман. Ленин ҳаётининг охирида социализмга нисбатан ўз нуқтаи назарини ўзгартиришга қарор қилган эди, дейишар экан, мен бу гапга ишонмайман. Мен хусусий мулкка қаршиман, чунки бу нарса бизларни сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан орқага ташлайди. Мен оммавий ишсизликка қатъиян қаршиман. Мамлакатни эркин бозор муносабатларига ундаётган киши биринчи совет ишсизи бўлсин.

Гдлян ва Иванов томонидан тўнкалган айбларга доир саволлар берилди. Нотиқ бундай деди: бу саволларга СССР халқ депутатлари Съезди комиссиясининг, СССР прокуратурасининг материалларида жавоблар берилган. Яна бир бор айтмоқчиманки, бу — сиёсий курашда менинг қўлимни боғлаб қўйиш мақсадида қилинаётган чинакам сиёсий иғвогарликдир.

Шунингдек, сиёсатдаги давомийлик ҳақида, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш ҳақида, социализмга душман, ажратувчи кучлар томонидан қандай хавф туғилаётганлиги ҳақида, халқаро низолар ва уларни ҳал этиш усуллари ҳақида, Шарқий Европадаги аҳвол ҳақида саволлар берилди. Марказий Комитет котиби бирлашиш эмас, балки ГДРнинг Ғарбий Германия томонидан ютиб юборилиши рўй бераётир, деб ҳисоблайди.

Нотиқ истеъфо бермоқчими ёки фаолиятни давом эттирмоқчими, деган саволга у бу масалани съезд ихтиёрида қолдираман, деб жавоб қайтарди.

Сўнгра **Э. А. Шеварднадзе** сўзга чиқиб, унга берилган саволларнинг ярмига яқини Шарқий Европадаги воқеаларга, Германия муаммосига боғлиқ эканлигини айтди. Шу муносабат билан у ана шу жараёнларга баҳо беришда унга қўшилмаётганлар тарифига ўтмоқчи эмаслигини таъкидлади. Ташқи сиёсат битта одамнинг фикри ва позицияси асосига қурилмайди. Шарқий Европа, Германия ишлари билан боғлиқ барча ечимлар коллектив тарзда ишлаб чиқилди ва мамлакат юқори сиёсий раҳбарлиги даражасида қабул қилинди.

Сўнгра бирлашишга нима учун розилик берилди, деган саволга жавоб қайтариб, ташқи ишлар министри бу жараённи тўхтатиш, ГДРдаги қўшинларимиздан фойдаланиш имконияти бор эди, албатта, деб таъкидлади. Нотиқнинг фикрича, ақли расо кишиларнинг ҳаммаси, Европани ҳам, халқимизни ҳам ҳалокатга маҳкум этишни истамаган кишиларнинг ҳаммаси қўллаб-қувватлайдиган бошқача йўл танланди.

Жаҳон социалистик системасининг тақдири тўғрисида. Бунда «система» тушунчасининг ўзига равшанлик киритиш керак, деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси. Европада социализм системаси эмас, балки бу ҳақдаги нотўғри тасаввурлар системаси барбод бўлди, дейиш , тўғрироқдир. Социалистик мамлакатлар эса ҳамон мавжуд ва улар ривожланаверадилар. Мен марксизм-ленинизмнинг асосий принциплари негизидаги, бизга ёт ва истиқболсиз моделлардан холи бўлган социалистик ғояларга, социалистик ривожланиш йўлига ишонаман. Социалистик ғоя тарихий истиқболга эгадир.

Делегатлардан бири Варшава блокининг ва умуман социализм лагерининг барбод бўлганлиги учун ким жавобгар, деган саволга жавоб қайтаришни сўради. Бунга жавобан бундай дейилди: барбод бўлишдан куч билан сақлаб туриш керак бўлган блок жиддий ишда таянч эмас эди ва таянч бўлолмайди. Бизнинг хавфсизлигимиз учун умумий манфаатларга асосланадиган иттифоққа таяниш яхшироқ бўлмайдими. Мен ўз вазифамни қўшни иттифоқчи мамлакатлар билан янги муносабатлар ўрнатишдан, бу муносабатлар ўзаро фойдали, яхши қўшничилик, дўстона муносабатлар бўлишига эришишдан иборат деб биламан, деб таъкидлади ташқи ишлар министри.

Баъзи хатларда Шарқий Европа мамлакатларидаги коммунистларга муносабат хусусида ташвиш билдирилади, совет дипломатияси уларнинг тақдирига бефарқ қараётганлиги учун таъна қилинади. Нотиқ бунга жавобан қуйидагиларни таъкидлади: кўпгина коммунистлар учун уларнинг мамлакатларидаги воқеалар жуда оғир зарба бўлганлигини, баъзан эса шахсий фожиага айланганлигини тушуниб турибман. Агар иш қувғин қилиш даражасига бориб етса, дипломатия коммунистларга инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш масаласини принципиаллик билан қўя олади ва қўяди. Бу бизнинг ҳуқуқимизгина эмас, балки бурчимиз ҳамдир, деди нотиқ.

Делегатларнинг бир гуруҳи Ғарбий Европадаги айрим мамлакатларда совет жангчиларининг ёдгорликлари ва қабрларини оёқости қилиш ҳолларидан ташвиш билдирди. Бу ҳақиқатан ҳам хунук ҳодисалардир, деб ҳисоблайди Э. А. Шеварднадзе. Элчихоналаримиз, консулхоналаримиз ва министрликнинг ўзи бундай ҳоллардан биронтасини эътибордан четда қолдирмаяптилар. Улар норозилик билдириб, бундай аҳволнинг тузатилишига эришмоқдалар.

Ташқи ишлар министри Лондондаги НАТО кенгаши мажлисида қабул қилинган қарорларни ижобий баҳолади. Унинг фикрича, барқарорлик ва ишончни мустаҳкамлашда анча илгарилаб кетиш имконияти бор. Нотиқ Умумевропа хонадони ҳақидаги ғояни хом хаёл деб ҳисоблаётган кишиларга эътироз билдирди. Бундай деб ўйлаш, деб таъкидлади у, атрофимизда рўй бераётган ҳодисаларни сезмаслик, реал фактлардан, ана шу умумий хонадонни ва Умумевропа майдонларини қуриш соҳасида рўй бераётган жараёнлардан кўз юмиш демакдир.

Нотиққа сиз ўтмишдаги партия съездларидаги ўз нутқларингизга ва «брежневчилик»нинг вужудга келишига қўшган ҳиссангизга қандай баҳо берасиз, деб савол беришди. Бундай ҳол ҳақиқатан ҳам рўй берган эди, деб жавоб қайтарди у. Мен XXV ва XXVI съездларда сўзга чиқиб, ўша пайтдаги бош котиб шаънига мақтов сўзларини айтганман. Лекин савол берувчи менинг позицияларим ва қарашларимни яхши англаб олмоқчи бўлса, ана шу нутқларнинг, марказий Комитет пленумларидаги бошқа нутқларнинг қолган қисмларига, Грузиядаги маърузаларимга ҳам назар ташласин. Бу —биз уюшган жиноятчиликка, порахўрликка, ошна-оғайнигарчиликка қарши жуда оғир кураш бошлаган давр эди. Биз ўша пайтда ана шу оғир, лекин муқаддас курашни бошлаганлигимиз билан фахрланаман.

М. С. Горбачев президиумга тушган кўплаб хатларда съезд қатнашчилари Сиёсий бюро ва Марказий Комитет секретариати таркибига кирувчи раҳбарлар ишига алоҳида-алоҳида баҳо бериш ҳақида илгари қабул қилинган қарор қайта кўриб чиқилишини ва саволларга уларнинг жавоблари тинглашини тўхтатишни таклиф қилаётганликларини айтди. Овоз бериш йўли билан делегатлар саволларга жавобларни тинглашни тўхтатиб, қуйидаги фикрга келдилар: КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий ва амалий фаолиятига умуман унинг раҳбар органлари — Сиёсий бюро ва КПСС Марказий Комитети секретариати фаолиятини қўшиб баҳо берилсин.

Таҳрир комиссияси номидан унинг раиси **В. А. Ивашко** КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботи юзасидан резолюция лойиҳаси қандай тайёрланаётганлиги ҳақида гапириб берди. Комиссия КПСС XXVII съездидан кейин қайта қуриш давомида жамиятда рўй берган ўзгаришларни ва бундан буён бориш назарда тутилган асосий йўналишларни акс эттира оладиган сиёсий резолюция нусхаси билан чекланиш мумкин, деган хулосага келди.

Баъзи делегатлар КПСС Марказий Комитетининг фаолиятига битта баҳо бериш керак, деган таклиф билан чиққанликлари маълум қилинди. Таҳрир комиссиясининг фикрича, унинг ишини қониқарсиз, деб топиш Марказий Комитет амалга оширган қайта қуриш йўлини инкор қилиш бўлур эди. Иккинчи томондан, резолюцияда ижобий баҳо берилиши кейинги йиллар мобайнида мавжуд бўлган муаммолар, камчиликлар, янглишишлар ва хатоларни хаспўшлаган бўлур эди. Шу сабабли комиссия ишнинг сифатига сиёсий баҳо беришни таклиф қилади.

Таҳрир комиссиясининг раиси резолюция лойиҳасини ўқиб эшиттирди. Лойиҳа юзасидан дастлабки фикрлашувлар қизғин ўтди. Залга ўрнатилган микрофонлардан ҳужжатнинг моҳияти хусусида ҳам, шунингдек, бошқа масалалар хусусида ҳам турли фикрлар ва аниқ таклифлар баён этилди. Партия олий раҳбарияти айрим аъзоларининг фаолиятига баҳо бериш тўғрисидаги таклиф яна ўртага қўйилди, бироқ бу сафар таклиф қўллаб-қувватланмади.

Шундай бўлса-да, баҳо бериш муаммоси ўткир мунозарада муҳим ўрин олди. Умуман Марказий Комитет ва Сиёсий бюронинг ишига, умуман партия сиёсий йўлига баҳо бериш керакми ёки КПСС фаолиятининг турли соҳаларидаги аҳволга баҳо бериш керакми? Муҳокама қатнашчилари бир фикрга рози бўлдилар: Сийқа иборалар эмас, балки фактларни аниқ баён этиш ва уларга тиниқ муносабат билдириш керак. Ким айбдорлиги эмас, балки ҳозирги инқирозли вазиятнинг сабабларини тушуниб олиш ва уни ҳал этиш йўлларини белгилаш бугунги кундаги энг муҳим масаладир, деди делегатлардан бири.

Қизғин баҳслашув муҳитида оқилона қарорлар вужудга келмайди. Келгуси дам олиш куни таҳрир комиссияси таклиф этилган аниқликларни резолюция лойиҳасига киритиб, уни делегатларга тарқатади, деб келишиб олинди. Лойиҳанинг муҳокамаси 9 июль, душанба куни давом эттирилади.

(ТАСС).

*Қўйчилик муаммолари*

# АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ЧЎПОНИМ?

Келес массивига жойлашган Чиноз районига қарашли Жамбул номли совхоз 60-йилларда ташкил этилган эди. Қўйчиликка ихтисослаштирилган бу хўжалик ўтган даврда катта ва қийин йўлни босиб ўтди, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди. Жамоада ажойиб чорвадорлар, машҳур чўпонлар етишиб чиқди.

Даромадга қараб буромад деганларидек, дастлабки йилларда ободончилик соҳасига ҳам эътибор кучайди. Чўл ўрнида кичик шаҳарча бунёд этилди. Лекин 80-йилларнинг бошларига келиб хўжалик аста-секин инқирозга юз тута бошлади. Раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик услуби шунга олиб келди. Ички имкониятлар, талаб ва эҳтиёжлар ҳисобга олинмай режалар белгиланар, уни қандай бўлмасин бажариш талаб қилинарди. Лекин ҳеч ким: «Аҳволинг қалай, қанақа ёрдам керак?» — деб сўрамасди. Оқибатда мавжуд қўйларнинг бош сони йилдан-йилга камайиб борди. Жамоанинг келажаги, истиқболи ҳақида ҳар хил миш-мишлар оралади. Ориятли чўпонлар эса меҳнатлари қадрсизланаётганидан азият чека бошладилар. Хайрият, бу ҳол узоқ давом этмади.

1987 йилнинг ёзида илгари район агросаноат уюшмасида масъул лавозимда ишлаган Тулеген Омаров совхозга директор қилиб тайинланди. Ўтган уч йил давомида хўжаликда қанақа ўзгаришлар рўй берди? Қайта қуриш қандай аҳволда? Муаммолар ҳал этилаяптими? Ўзбекистон Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган XXII съездида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги хатолар ва яроқсиз ёндашувлар халқ хўжалиги тармоқларида бир қанча машаққатли ҳолатларни вужудга келтирди, деб таъкидланди. Бу ҳол чорвачиликка раҳбарликда ҳам салбий из қолдирди. Қуйида совхоз директори Тулеген ОМАРОВ билан суҳбатда шулар хусусида фикр юритилади.

**— Ишни нимадан бошлаган эдингиз?**

— Хўжаликнинг истиқболи, мавқеи албатта қўйлар бош сонининг қанчалик кўплигига, уларнинг зотига боғлиқ. Шунинг учун биринчи навбатда шу масалага эътибор бердик. Мутахассислар билан биргаликда яйловма-яйлов юриб, қўйларнинг сонини, қанчаси эркак, қанчаси совлиқ эканлигини аниқладик. Сўнгра отарларни қайта ташкил этдик. Авваллари пода аралаш боқиларди. Маслаҳатлашган ҳолда қўчқорларни ва совлиқларни алоҳида-алоҳида ажратдик. Чўпонларга қанчадан ҳақ олишлари тушунтирилди. Кейин бошқарувни ихчамлаштириш ҳақида ўйладик. Мавжуд тўртта бўлим қисқартирилиб, хизматлар марказлаштирилди. Шунинг ҳисобига 110 минг сўм иқтисод қилинди. Муҳими — чўпонлар ўзларини эркин ва мустақил ҳис этиб ишлай бошлашди. Мутахассислар масъулияти ошди. Натижада самарадорлик кўзга яққол ташланди. Агар 1987 йилда давлатга 917 минг сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, 1988 йилда кўрсаткич 1 миллион 800 минг сўмга, бултур эса 2 миллион 80 минг сўмга кўтарилди. Гўшт ва жуннинг таннархи икки баравар арзонлашди. Масалан, семиртириш ҳисобига олинадиган ҳар килограмм гўштнинг таннархи 2 сўм 37 тийин ўрнига 1 сўм 16 тийинга тушди. Даромад ҳам шунга яраша. 1987 йилда бир чўпоннинг йиллик сармояси 1700 сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили 2100 сўмга чиқди. Холмурод Сариев, Пўлат Мусиров, Ҳасан Кўчкибоев каби чўпон-чўлиқлар эса 6—11 минг сўм наф кўрдилар. Бу йилги натижалар ҳам қувончли.

**— Бир вақтлар хўжаликда 60 минг бошга яқин қўй бўлганди. Ҳозир қарийб ярми қолган. Бундан кейин янада камайиб кетмаслиги учун қандай чоралар кўриш керак, деб ўйлайсиз?**

— Бунинг иккита йўли бор. Биринчиси — давлат бир-икки йилгача гўшт топширасан, деб тиқилинч қилмаслиги керак. Лекин бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Бунга кўнмайдилар, албатта. Биз ҳар йили 400—450 тонна гўшт топширишимиз шарт. Бу — 12—15 минг бош қўй дегани. Асосий йўл подада совлиқлар сонини кўпайтиришдир. Ҳозир уларнинг сони 11600 бош бўлиб, келгусида 20 минг бошга етказилиши зарур. Шунда тахминан 18 мингта қўзи олинди, унинг ярми эркак, ярми эса урғочи, дейлик. Ўша қўчқорлар гўштга боқилса, ҳар бири 40—45 килограммгача тош босади. Уларнинг ёнига қариган, касалланиб ишдан чиққан 3—4 минг бош совлиқ қўшилса, жами қўйлар сони 12—13 минг бошга етади. Бу гўшт режасини бажариш имконини беради. Шундай қилинсагина подани тўлиқ ҳолда ушлаб қолган, ҳатто, айтиш мумкинки, тўқли совлиқлар ҳисобига кўпайтиришга эришган бўламиз. Менимча, бу энг тўғри йўл. Шуни ҳисобга олиб, тегишли ташкилотлар билан аҳдлашиб қўйдик. Бу йил 10 минг бош урғочи қўй сотиб олинади.

**— Дейлик, мазкур муаммо ҳал этилди, хўжаликда қўйлар бош сони 40 мингтага етди. Жониворларни боқиш, парваришлаш ва мўлжалдаги маҳсулот олиш аввало чўпонларнинг қалбига йўл топиш, руҳини кўтариш, қолаверса, уларга зарур шароит яратиб берилишига боғлиқ. Инсон омили биринчи ўринда туриши керак.**

— Чўпон-чўлиқлар тўғрисида ғамхўрлик қилинмас экан, барча саъй-ҳаракатлар зое кетади, демоқчисиз. Бизни ҳам шу масала кўп ўйлантиради. Чўлда, ўзингизга маълум, асосий муаммо ичимлик ва қудуқ сувидир. Буни қандай бўлмасин ҳал қилишимиз керак. Мутахассисларнинг фикрича, Сирдарё сувини ичиб бўлмайди, кўп касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Лекин иложимиз қанча? Биз шу сувдан ичаяпмиз. Қудуқ қазийлик десак, 1,5 километргача бўлган чуқурликда ичишга ярайдиган чучук сув йўқ.

Қўйлар асосан қудуқ суви билан суғорилади. Лекин қудуқларнинг деярли 90 фоизи 60-йилларда кавланган. Ҳозирда улар эскириб, аксариятининг кўзи беркилган. Натижада сув йиғилишини баъзан бир-икки кунлаб кутишга тўғри келади. Бу орада қўйлар этини йўқотишаётир.

Чўпонларга маданий-маиший хизмат кўрсатишда ҳам аҳвол умуман қониқарсиз. Авваллари Келес массивидаги чорвадорларга хизмат кўрсатиш билан махсус савдо идораси шуғулланарди. Ўшанда аҳвол бироз яхши эди. Тез-тез йўқлаб туришарди. Чўпонлар ўзларига керакли буюмларни, истеъмол молларини харид қилишарди. 1986 йилга келиб ўша ташкилот тугатилди. Мен бу иш нотўғри бўлди, деб ҳисоблайман. Ахир ўшандан буён савдо хизматида изчиллик йўқ. Келес қишлоқ матлубот жамияти қайта тикланса, кўнгилдагидек бўларди. Чўпонларнинг талаби ва истаги шундай.

Алоқа бўлими, газ, кино ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш идоралари ҳамда ташкилотлари совхоздан олисда, район марказида жойлашган. Уларга ишимиз тушиб қолса, мутасаддилар ҳар хил баҳоналарни рўкач қилишади. Ваъда беришади-ю келишмайди. Шунинг учун ўзимиз хўжалик ҳисобидан уч-тўртта машина, автобус ажратишга мажбур бўлдик. Бири газ балонларини ташийди, иккинчиси кўчма кино қурилмаларини олиб келади. Бутун йил давомида аҳвол шу. Сарфланаётган харажатларнинг ҳаммаси хўжаликнинг чекига тушади. Бу ҳол маҳсулот таннархининг қимматлашувига таъсир кўрсатмоқда.

**— Кўриниб турибдики, чўпонларнинг дарду ҳасратлари кўп. Уларни эшитадиган, қулоқ соладиган, ёрдам берадиган муқим ташкилот, мутасаддилар борми?**

— Ҳа, бор, деб дадил жавоб бера олмаймиз. Баъзида у ёки бу масалада кимга мурожаат қилсак нафи тегаркин, деб ўйга чўмамиз. Аслида мутасаддилар, хўжайинлар кўп. Лекин амалий ишга келганда, уларнинг бирontасидан тайинли ёрдам ололмаймиз. Қатнайвериб оёқда оёқ қолмайди.

Шундай бўлса-да, тайёр маҳсулотга «эгалик» қилувчилар, оладиганлар беҳисоб. Ўйлаб кўринг: бир кило тирик вазндаги қўй гўштининг харид нархи 1 сўм 50 тийин қилиб белгиланганига 30 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида биз оладиган нарсаларнинг нархи эса беш, ҳатто ўн баравар ошди. Бу ҳақда ўйлайдиган, тезроқ аниқ бир қарорга келадиган вақт етиб келмадимикин? Бу масалаларни ҳал қилмасдан туриб бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди.

**— Эътирозларингиз ўринли. Чўпонларга амалий ёрдам берадиган пайт келди. Совхозни чинакамига оёққа турғазиш учун эса маблағ керак. Уни фақат меҳнат орқали топиш мумкин.**

— Ҳа, қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Хусусан, 400 гектардан ортиқ суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш керак. Ҳозирги пайтда ободончиликка эътиборни кучайтираяпмиз. Чўпон оилалари учун турар жойлар қурилмоқда. Бир миллион 300 минг сўмлик йўл қурилиши бошланди. У совхоз марказини Аччиқкўл ва Қолгансир қишлоқлари билан боғлайди. Бир миллион 200 минг сўмлик мактаб биноси келгуси йилда фойдаланишга топширилади. Болалар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинаяпти. Маъмурий бино боғчага берилди. Ғишт ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Сабзавот сақлайдиган омборхона, автогараж барпо этилди.

Чўпонлар тўғрисида қилинаётган бундай ғамхўрликлар ўз самарасини бермоқда. Кўкламда 11.650 бош қўзи олиниб, топшириқ ошириб бажарилди. Ҳозиргача давлатга 121 тонна гўшт, 27 тонна жун сотилди.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳисобига 2 миллион 100 минг сўмдан зиёд даромад олинди.

Шу кеча-кундузда чўпон-чўлиқларимиз Ўзбекистон Компартияси XXII съезди материалларини зўр қизиқиш ва манфаатдорлик билан ўқиб-ўрганмоқдалар. Бу анжуманда халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш билан боғлиқ одилона гаплар, таклиф ва мулоҳазалар айтилди. Истиқболли режалар белгиланди. Биз аминмизки, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши чўпонларнинг ҳам турмуши кескин яхшиланишига ёрдам беради.

**Суҳбатни**
**Н. РИҲСИЕВ**
**олиб борди.**

# СПОРТ АХБОРОТИ

## УЧИНЧИ БОР ЧЕМПИОН

Италияда бир ой давом этган жаҳон XIX биринчилиги байроғи тантанали вазиятда туширилди. Ғарбий Германия футболчилари ҳал қилувчи учрашувда собиқ дунё чемпиони Аргентина терма командасини 1:0 ҳисобида енгиб, олтин медалларни қўлга киритдилар. Улар ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига учинчи марта кўтарилиб, бу борада Бразилия ва Италия футболчиларига етиб олишди. Тўпни учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда ҳимоячи Бреме ўн бир метрли белгидан дарвозага йўллади.

Иккинчи ўрин ва кумуш медаллар Аргентина терма командасига насиб этди. Бир кун олдин бронза медаллар учун бўлган баҳсда майдон эгалари — Италия футболчиларининг омади келди. Улар Англия терма командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, учинчи ўринни эгалладилар.

Жаҳон биринчилиги тугагандан сўнг унда қатнашган командалар қуйидаги тартибда жой олдилар (ютуқлар ва очколар бўйича):

| | Ў | Т | О |
|---|---|---|---|
| **ГФР** | 7 | 15-5 | 13 |
| **Италия** | 7 | 12-2 | 12 |
| **Аргентина** | 7 | 5,4 | 9 |
| **Англия** | 7 | 8-6 | 8 |
| **ЧСФР** | 5 | 10-5 | 6 |
| **Югославия** | 5 | 8-6 | 6 |
| **Бразилия** | 4 | 4-2 | 6 |
| **Камерун** | 5 | 7-9 | 6 |
| **Испания** | 4 | 6-4 | 5 |
| **Ирландия** | 5 | 2-3 | 5 |

Биз юқорида кучли ўнликка кирган командаларни келтирдик, холос. Афсуски, совет футболчилари жаҳон биринчилигида қатнашган 24 команда ўртасида 17-ўринни олдилар. Улар ҳеч қачон бунчалар ёмон ўйнашмаган. Охирги тўрт ўринни эгаллаган командалар бирорта ҳам очкога эга бўлолмади. Булар Швеция, Жанубий Корея, АҚШ ва Бирлашган араб амирликлари футболчиларидир.

Келгуси жаҳон биринчилиги яна тўрт йилдан сўнг ўтказилади. Кучли командалар 1994 йилда АҚШда йиғиладилар.

## ТЎРТИНЧИ ЎРИН

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигада яна турдан сўнг илк босқич мусобақалари ниҳоясига етади. Владикавказ спартакчилари унда пешқадамлик қилаяптилар. Улар 19 учрашувдан кейин 28 очко тўплаб, биринчи ўринда бораяптилар. Улардан уч очко кам тўплаган Запорожьенинг «Металлург» командаси иккинчи ўринга чиқиб олди.

Пахтакорчилар ҳам ўз мавқеларини турдан-турга яхшилаб бораяптилар. Маълумки, улар охирги тўрт учрашувни сафарда ўтказишди. Уларнинг иккитасида ғалаба қозониб, бирини бой беришди, бир матч дуранг бўлди. Сафарда саккиз имкониятдан беш очкони қўлга киритган ҳамюртларимиз 17 учрашувдан сўнг жамғармасидаги очколарни 22 тага етказиб, тўртинчи ўринга чиқиб олдилар.

Пахтакорчилар биринчи давранинг қолган икки матчини ўз майдонларида ўтказишади. 11 июлда Краснодарнинг «Кубань» командаси, орадан уч кун ўтгач эса Сухуми динамочилари билан учрашишади. Қисқаси, улар биринчи даврани ўтган йилларга нисбатан яхши якунлаш имкониятига эга.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

